



ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Лола Зайниевна Насриева

Бухоро давлат тиббиёт институти декан ўринбосари

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7828206>

ARTICLE INFO

Received: 04th April 2023

Accepted: 13th April 2023

Online: 14th April 2023

KEY WORDS

Маънавият, таълим, оила, таълим муассасалари, ўзаро ҳамкорлик.

ABSTRACT

Мақолада ёшлар тарбиясида ўзаро ҳамкорлик масалалари таҳлил қилинган. Оила- таълим муассасаси ҳамкорлигининг мазмун моҳияти очиб берилган. Ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг асосий омилларига эътибор қаратилган. Маънавиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни тадқиқ қилинган.

Глобаллашув замонида ёшларимизни ҳар томонлама етук мукамал ва зукко бўлмоғи замон талабига айланиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир пайтда истиқлолнинг моддий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ҳамда давлатимиз куч – қудрати, эртамик келажаги бўлган ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялаш, олдимизда турган энг буюк мақсаддир.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард натижаси ёшларимизнинг маънавияти, маданияти, онгу шуурига боғлиқдир. Бу борада мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Ёшлар тарбиясида оила-маҳалла-таълим ҳамкорлигини модернизация қилишнинг асосий омиллари ҳам худди ана шундадир. Ёшлар тарбиясида ҳамкорликни таъминлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, ота-она, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шу орқали ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, ўзаро муносабати ва масъулиятини кучайтириш;

Иккинчидан, таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

Учинчидан, вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш, ёшларни турли ёт ғоялар таҳдидидан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш;



Тўртинчидан, мактаб битирувчиларини қизиқишлари бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиш, ўқувчиларни дарс жараёнига тўлиқ жалб этиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш;

Бешинчидан, маънавий-маърифий тадбирлар орқали юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, айниқса, таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни узвий хабардорлигини таъминлаш;

Олтинчидан, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Еттинчидан, қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларига яқин ҳудудларда алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш [1-3].

Мазкур вазифаларнинг жойлардаги ижросига масъулият билан ёндашиш, сифатли ва тўлақонли амалга ошириш, самарадорлик ва натижадорликка эришиш барча масъул субъектлар – аввало оила, маҳалла, таълим муассасасининг, шунингдек, тегишли давлат органлари, бизнес вакиллари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигидаги муҳим вазифасидир.

Баркамол авлодни тарбиялашда асосий бўғинлардан бири, ота-оналар ва маҳалла билан яқин ҳамкор, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишга масъул бўлган таълим муассасаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

Биринчидан, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш;

Иккинчидан, таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ички тартиб одоб-ахлоқ қоидаларига тўлиқ амал қилишини таъминлаш;

Учинчидан, таълим муассасаларида соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш;

Тўртинчидан, ўқувчилар ўртасида миллий мафкурани тарғиб қилиш, ақидапарастлик, диний экстремизм ва миллий тараққиётимизга зарарли бошқа ғояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашишни ташкил этиш;

Бешинчидан, ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия олиш жараёнида турли хил чалғитувчи воситалар (уяли алоқа воситалари, видеотасмалар, интернет тармоғидаги маълумотлар, компьютердаги ўйинлар)нинг зарари ва уларнинг оқибатларини олдини олиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

Олтинчидан, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор, тарбияси оғир, таълим муассасаси ва ички ишлар идоралари профилактика рўйхатида олинган, дарс вақтида масжидга қатнайдиган ўқувчиларга масъулларни бириктириш, таълим-тарбияси ва хулқ-атворини алоҳида назоратга олиш.

Еттинчидан, таълим муассасаларидаги давоматни таъминлаш ва яхшилаш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш;

Саккизинчидан, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда таълим муассасалари ва маҳаллаларда фан, спорт ва қизиқишлар бўйича тўғарақлар фаолиятини кучайтириш ва доимий мониторинг юритиш;



Тўққизинчидан, Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, етакчиларга методик ёрдам кўрсатиш, лидерликни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

Ўнинчидан, таълим муассасаларида маънавий-маданий тадбирлар, турли йўналишдаги кўрик-танлов ва мусобақаларни маҳалла аъзолари иштирокида мазмунли, оммавийлиги ва натижадорлигини таъминлаган ҳолда ташкил этиш;

Ўн биринчидан, ҳамкорликда олиб борилган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб боришдир.

Оилаларда ёшларнинг маънавий ривожланиши учун зарур бўлган инновацион ижтимоий-педагогик соғлом ва барқарор муҳит яратиш усуллари ишлаб чиқиш узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг мағзини ташкил этади. Ота-оналар ва тарбиячиларнинг бола тарбияси борасидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларини оширишга қаратилган илғор педагогик ва ахборот технологияларига асосланган худудий ўқув тренинглар, семинарлар, форумлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда [4-8].

Таъкидлаш жоизки, ёшлар тарбиясида ҳамкорликнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, бунда иштирок этувчи тарбиячи қуйидагиларни амалга ошира билиши лозим: маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши; ўқитиш жараёни ва тарбиянинг баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини; таълим олувчиларни ҳуқуқий тарбиялаш ва ҳуқуқбузарликни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ташкил қила билишни; маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳиятини билиши; талабалар психологиясини билиши; асосий тушунчалар, қонунлар ва моделлар, таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш усуллари ва воситаларини; ижтимоий-гуманитар фанлар ўртасидаги алоқадорлик ва ҳамкорликни амалга оширишни; ўқитиладиган фаннинг мутахассис шахсини шакллантиришдаги умуминсоний жиҳатларини; талабаларни маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг бурчларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни; талабаларни тарбиялаш жараёнида психология асосларини билиши ва қўллай олишни; миллий истиқлол мафқураси, умуминсоний қадриятлар устиворлиги асосида таълим олувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришни; талаба ёшлар миллий ғоявий онгини шакллантиришнинг Дастурини ишлаб чиқиш, тавсия ва таклифлар билан иштирок этишни; талабаларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш, ўз халқининг ва бошқа халқларнинг тарихига, маданиятига ва анъаналарига ҳурмат, билим ва ҳақиқатга интилиш, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик ва қонунга бўйсунуш ҳиссиётларини шакллантиришни; талаба ёшларни ўқув жараёнларида миллий ғоя ва мафкура мазмуни билан таништириб боришни; таълим олувчиларни эстетик ривожлантириш, уларни аждодларимизнинг ва жаҳон цивилизациясининг бой мероси билан таништиришни; келажак буюк давлатни қуришга йўналтирилган фуқаровий ва ижодий фаолликни шакллантиришни; сўзлаш маданиятини; таълим олувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт [9-11].



Ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялашда инobatга олиниши лозим бўлган жиҳатлар қуйидагилар ҳисобланади: ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ўқувчи-ёшларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим-тарбия мазмунига сингдириш ва уларни амалиётда қўллаш олиш имконини берувчи амалий машқ, топшириқ ва педагогик вазиятлар билан бойитиш; ўқувчи-ёшларда замонавий билимларни эгаллаш, медиа маданиятни ривожлантириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганишни рағбатлантириш; касбий-маънавий кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатиш; фаол фуқаролик позициясини кучайтириш; илмий, маънавий-ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва соғлом диний эътиқодни шакллантириш; бахтли оилавий ҳаёт, фарзанд тарбияси учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш; келажакка ишонч ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш [12-15].

Ёшларни тарбиялашда ҳамкорликнинг аҳамияти шундаки, истиқболда унинг натижасида қуйидагиларга эришилади: ўсмирлик ёшига хос ички позициянинг пайдо бўлиши; иродавий сифатларнинг намоён бўлиши; ижтимоий фаоллик, билишга интилиш ва ўзини намоён қилиш мотивларининг ривожланиши; фаолият ва мулоқот мазмунини белгиловчи шахсий қадриятлар тизимининг шаклланиши; шахслараро муносабатларнинг дифференциаллашуви, референт гуруҳларнинг пайдо бўлиши; фуқаролик позицияси, ўзи ва атрофдагиларга ҳамда жамиятга муносабат асосларининг шаклланиши; миллий қадриятлар, анъаналарга ҳурматнинг намоён бўлиши; ўзини-ўзи тарбиялаш ва шахсий сифатларнинг ривожланиши; ўз муаммоларини ўзи мустақил ҳал қилишга интилиш; хавфсиз ҳаёт маданияти бўйича билим ва кўникмаларнинг намоён бўлиши; ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва диний эътиқоднинг шаклланиши; позитив ижтимоий мулжалларнинг ойдинлашуви ва уларга эришиш йўлидаги интилишлар; маънавий-ахлоқий принципларнинг қатъийлашуви; ички ҳис-туйғуларга эътиборнинг ошиши, эмоционал муносабатларнинг танлов асосида намоён бўлиши; мустақил ҳаёт учун зарур ижтимоий компетенция ва фазилатларнинг одатларга айланиши [16-18].

Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

References:

1. Пардаева, М. Д. (2021). ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИДА ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, 4(3).
2. Pardaeva, M. D. (2020). THE ROLE OF THE JADID'S THINKING VIEWS IN THE FIGHT AGAINST ENLIGHTENMENT AGAINST IGNORANCE. Ўтмишга назар журнали, 10(3).



3. Пардаева, М. Д., Узбекистан, Р., & Голди-Скотт, М. Р. (2020). Реформа школьного образования в Узбекистане: переосмысление методики обучения и оценки. ISBN 978-5-9929-0917-3 © ОГУ имени ИС Тургенева, 2020 © МОО «Академия информатизации образования», 2020 © Коллектив авторов, 2020, 25.
4. Pardayeva, M. D. (2020). "LAZERLAR VA ULARNING TURLARI" MAVZUSINI INNOVATSION USULLARDA O'QITISHNING AFZALLIKLARI. In Молодой исследователь: вызовы и перспективы (pp. 722-724).
5. Пардаева, М. Д. (2018). Использование средств народной педагогики в воспитании толерантности у молодежи. Проблемы педагогики, (6 (38)).
6. Pulatovna, K. K. (2022). Factors of Social Political Activity. International Journal of Formal Education, 1(9), 24-28.
7. Кенжаева, Х. П. ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ» МАСАЛАСИ. УЧЕНЬЙ ХХІ ВЕКА, 76.
8. Хуршида Кенжаева (2022). ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОМИЛИ. Scientific progress, 3 (1) 862-867
9. Кенжаева, Х. П. (2021). Сиёсий-Ҳуқуқий Маданиятни Ошириш Омиллари. Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журналы, 1(6), 94-97.
10. Кенжаева, Х. П. (2021). Сиёсий Тизимни Ислоҳ Қилиш Омиллари. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журналы, 1(6), 199-202.
11. Кенжаева, Х. (2021). Миллий маънавий меросимизда таълим-тарбия масалалари. Общество и инновации, 2(6/S), 18-24.
12. Кенжаева Х. П. ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ МЕЗОНЛАРИ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ТАЛҚИНИДА //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
13. Kenjaeva, X. P., Tojiev, F. I., & Juraev, B. N. (2014). ROLE OF WOMEN IN CREATION AND DEVELOPMENT OF DEMOCRATIC SOCIETY IN UZBEKISTAN. Innovations in technologies and education, 119-123.
14. Кенжаева, Х. П., & Каримова, Л. М. (2019). ТАРИХИЙ ХОТИРА-ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ. ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ, 1(3).
15. Кенжаева, Х. П. (2021). Аёллар ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик институтларининг ўрни. Scientific progress, 1(6), 957-961.
16. Pulatovna, K. K. . (2022). Technologies and Conditions for the Implementation of Innovative Processes. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 5, 610-615.
17. Pulatovna, K. K. (2022). Main Directions for Reforming the Educational System in the Republic of Uzbekistan. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 6, 276-281.
18. Кенжаева, Х. П. (2022). ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ.